


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 19 февраль, № 34 (7264) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) қўшилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 16 февраль
№ ЎРҚ–519

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) қўшилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 16 февраль
№ ЎРҚ–520

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Уруғчилик тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 8 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

### 1-боб. Умумий қоидалар

### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади уруғчилик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### 2-модда. Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**апробация** – ўсимликларнинг генетик (нав) жиҳатдан софлигини, зараркунандалар билан зарарланган-зарарланмаганлигини, касалликларга чалинган-чалинмаганлигини ва экиш учун мўлжалланган уруғликларнинг умумий ҳолатини аниқлаш учун далада ўтказиладиган текширув;

**дурагай уруғликлар** – ирсияти ҳар хил навлар, турлар ва туркумдошларни чатиштиришдан олинган уруғликлар;

**оригинал уруғликлар** – нав муаллифи ёки у ваколат берган шахс томонидан етиштирилган ва кейинчалик кўпайтириш учун мўлжалланган уруғликлар;

**патент эгаси (лицензиар)** – селекция навига ва (ёки) дурагай уруғликларга бўлган мулк ҳуқуқини олган юридик ёки жисмоний шахс;

**популяция** – бир хил тупроқ-иқлим шароитида тарқалган ва бир турга мансуб бўлган, эркин чатишадиган (ирсий жиҳатдан бир-биридан фарқланадиган) ўсимликлар мажмуи;

**репродукцион уруғликлар** – элита уруғликлардан олинадиган кейинги авлод уруғликлари;

**уруғликлар** – экиш учун фойдаланиладиган уруғлар, мевалар, ўсимликнинг вегетатив йўл билан кўпайтириладиган қисмлари;

**уруғликларнинг генетик (нав) сифати** – муайян нав уруғлигининг генетик жиҳатдан софлигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи;

**уруғликларнинг экинбоплик сифати** – уруғликларнинг экиш учун яроқлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи;

(Давоми 2 ва 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини рўёбга чиқариш, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни ривожлантириш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини сифат жиҳатидан янги даражага ўтказиш жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Қисқа вақт оралиғида "ягона дарча" тамойили бўйича кўрсатилаётган давлат хизматлари сони 100 та хизматдан ортди, хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилаётган фуқаролар сони эса 50 баробарга ошди. Бунда кўрсатиладиган давлат хизматлари кўрсаткичи қўшимча давлат хизматлари жорий этилиши муносабати билан яна икки баробар ортиши кутилмоқда.

Бизнес юритишда ортиқча бюрократик жараёнларни тубдан қисқартириш ва давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада ривожлантириш мақсадида:

1. 2019 йил 1 июндан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

жисмоний ва юридик шахслар давлат хизматлари марказларида (кейинги ўринларда — Марказлар) фуқаролар доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан ва юридик шахслар почта манзилидан (жойлашган еридан) қатъи назар, давлат хизматларини **экстерриториал тамойил** бўйича олишга ҳақли;

давлат хизматларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — Ягона портал) орқали мурожаат этганда давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар Марказлар орқали ёки бевосита хизмат кўрсатувчи органларга мурожаат этганда тўланадиган суммадан **90 фоиз миқдорида** тўланади;

Ягона портал орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари учун давлат божлари ва йиғимларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтириладиган қисми 20 фоиздан 10 фоизга камайтирилади ва бўшайдиган маблағлар қолган олувчилар орасида мутаносиб равишда тақсимланади;

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотлар давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда белгиланадиган рўйхат бўйича маълумотларни ўзларининг маълумотлар базаларига ва ахборот тизимларига электрон кўринишда электрон маълумотлар базаларини шакллантириш учун киритиб борадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа идора ва ташкилотлар ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда ўзларининг идоравий ахборот тизимларида, ресурсларида ва маълумотлар базаларида мавжуд ва давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотлар "Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилишини ҳамда Агентликка зарур ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш имконини таъминласин.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЙИЛҚИЧИЛИК ВА ОТ СПОРТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда йилқичилик ва от спортини оммалаштириш учун шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мазкур спорт тури бўйича юртимизни халқаро спорт майдонларида муносиб равишда танитиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси ташкил этилди, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича мажмуалар фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент вилоятида Ахалтака зотли ва спорт отларини етиштириш ва кўпайтириш от заводини қуриш, шунингдек, Тошкент шаҳрида "Марказий ипподром" акциядорлик жамиятини Халқаро от спорти федерацияси талабларини инобатга олган ҳолда реконструкция қилиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республикада йилқичилик ва от спортининг янада ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор ҳал этилмаган масалалар мавжуд. Жумладан, от спорти клублари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги ўқув-машғулот жараёнини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, иқтидорли чавандозларни аниқлаш ва танлаб олиш имконини бермаяпти.

Моддий-техник база ва от спорти инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаган, от спорти билан шуғулланиш ва ушбу спорт турини оммалаштириш учун спорт базалари ва шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чоралар кўрилмаяпти.

Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш, ёшларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, от спорти бўйича миллий ва халқаро мусобақаларда юқори спорт натижаларига эришишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, "Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ва "Ўзқурилишматериаллари" АЖнинг:

2019-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини (кейинги ўринларда — болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари) босқичма-босқич ташкил этиш;

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси қошида юридик шахс мақомига эга **Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика марказини** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш;

**Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси раисининг ўринбосари** — Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика маркази директори лавозимини жорий этиш;

Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича "Қорабайир отчилик мажмуаси" УКни "Шўртангазкимё мажмуаси" МЧЖ тасарруфидан "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тасарруфига бериш;

(Давоми 3 ва 4-бетларда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 100000 сўм бўлган пул белгисини муомалага чиқариш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки **2019 йил 25 февралдан бошлаб қиймати 100000 сўм бўлган банкнот** кўринишидаги янги пул белгиси муомалага чиқарилиши тўғрисида маълум қилади.

Қиймати 100000 сўм бўлган банкнотнинг мавзуси (тематикаси) буюк ўзбек олими Мирзо Улуғбек фаолияти ва унинг астрономия фанидаги ютуқларига бағишланган.







Банкнотнинг ўлчами 144x78 мм. бўлиб, махсус ҳимояланган қоғозда чоп этилган.

Банкнотнинг ўнг тарафидаги оқ овал қисмида Мирзо Улуғбек сурати кўринишидаги локал сув белгиси ва 100000 рақами кўринишида филигран сув белгиси жойлашган. Банкнотнинг ўнг тарафидаги қоғоз қатламида кенглиги 5 мм. 3D эффектга эга бўлган, юқори ҳимояли, шўнғувчи, банкнотнинг устки қатламига чиқувчи ҳимоя ипи жойлаштирилган. Ёруғлик манбаида ип тўлиқ кўринишга эга бўлиб, банкнотнинг исталган қиялик кўринишида ипдаги тасвирларда силжиш эффекти пайдо бўлади. Олд ва орқа томонларининг фони, асосан, оч жигарранг ва ҳаворангларидан иборат.

**Банкнот олд томонининг** чап қисмида Мирзо Улуғбек ҳайкали тасвирланган. Банкнотнинг юқори қисмининг чап тарафида ранги ўзгарувчан 100000 рақами жойлаштирилган бўлиб, маълум қиялик бурчагида қаралганда унинг ранги қирмизи рангдан жигаррангга ўзгаради.

Банкнот қуйи қисмининг чап тарафида орнаментал тасвир асосида (фонида) "UZB" кўринишидаги яширин тасвир мавжуд бўлиб, у ёруғлик манбаига нисбатан маълум қияликда кўринади. Банкнотнинг чап томонида жойлашган яшил рангдаги махсус элемент кўзи ожиз инсонлар учун мўлжалланган бўлиб, бўёқнинг бўртмалиги ҳисобига банкнотнинг қийматини аниқлаш мумкин. Банкнотнинг юқори қисмида, ҳайкалнинг ўнг томонида кўп функцияли устурлоб ("Астролябия") астрономик асбоби тасвири жойлашган ва у регистр вазифасини бажариб, "олд" ва "орқа" томонларини бир-бири билан мос тушириш учун хизмат қилади, ёруғликка қаратилганда орқа томондаги рангли фон билан тасвир мукаммаллашади.

Банкнот юқори қисмининг ўнг томонида "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" матни мавжуд.

→ 5

INTERNATIONAL CONFERENCE «CENTRAL ASIAN CONNECTIVITY: CHALLENGES AND NEW OPPORTUNITIES»
TASHKENT, 19-20 FEBRUARY 2019

## АҚШ экспертлари: «Ўзбекистон – Марказий Осиё минтақасидаги янги тўлқиннинг локомотиви»

### Бугун Тошкентда «Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар» мавзуидаги халқаро конференция ўз ишини бошлайди.

Мамлакатимизнинг Вашингтондаги дипломатик миссияси раҳбари Жавлон Ваҳобов ушбу форумда АҚШдан иштирок этадиган эксперт-таҳлил доиралари вакиллари билан учрашди. Бу ҳақда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси хабар берди.

РЭНД корпорацияси, Америка ташқи сиёсат кенгаши ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти, Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази, Миллий мудофаа университети қошидаги Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази, Нью-Йорк университетининг Халқаро ҳамкорлик маркази, Торонто университети қошидаги Европа, Россия ва Евросиё тадқиқотлари маркази каби АҚШ ҳамда Канададаги нуфузли таҳлил марказларининг етакчи мутахассислари кўп сонли делегация таркибидан жой олган.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон элчиси иштирокчиларга Марказий Осиё минтақасидаги янги даврнинг концептуал асослари ҳамда Тошкент форумидан кутилаётган натижалар ҳақида маълумот берди.

→ 5

## Тошкент давлат аграр университети вакиллари АҚШда қандай келишувларга эришди?

Ҳамкорлик

*Ўзбекистон делегациясининг Миссисипи штатига амалга оширган ташрифи чоғида Тошкент давлат аграр университети ректори АҚШдаги бир қатор олий ўқув юртлари раҳбарлари, шунингдек, университетлар фаолиятини бошқариш бўйича кенгаш вакиллари билан учрашди. Бу ҳақда мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси маълум қилди.*

Хусусан, Миссисипи штатидаги Алкорн номидаги университет президенти Донзел Ли билан мулоқот чоғида ўзаро академик ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари муҳокама қилинди. Бунда талабалар ва ўқитувчилар алмашиш, икки дипломли таълим, онлайн ўқитиш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, биргаликда агрономия, биология, ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар, тупроқшунослик, ўрмончилик ва умуман, агросаноат фаолиятини бошқариш соҳаларида тадқиқотлар олиб бориш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Америка олий ўқув юрти раҳбари ўзаро ҳамкорликнинг амалий жиҳатларини аниқлаб олиш учун Ўзбекистонга яқин вақт ичида ташриф буюришга тайёр эканлигини айтиб ўтди.

→ 5



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Уруғчилик тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**уруғликлар туркуми** – келиб чиқиши ва сифати бўйича бир хил бўлган уруғликларнинг муайян миқдори;

**уруғчилик** – уруғликларни етиштириш, сақлаш, реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатларини аниқлаш бўйича ўтказиладиган тадбирлар билан боғлиқ бўлган фаолият;

**элита уруғликлар** – оригинал уруғликларни изчил кўпайтириш йўли билан олинган уруғликлар.

### 4-модда. Уруғликларнинг тоифалари

Қишлоқ хўжалиги экинларининг навларини такрор кўпайтириш босқичларига қараб, уруғликларнинг қуйидаги тоифалари белгиланади:
оригинал;
элита;
репродукцион.

### 5-модда. Уруғчилик объектлари

Уруғчилик объектлари жумласига қуйидагилар киради:
нав;
дурагай;
популяция;
уруғликлар;
уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорлари.

### 6-модда. Уруғчилик субъектлари

Уруғчилик субъектлари жумласига қуйидагилар киради:
навнинг муаллифи;
уруғлик етиштирувчи;
уруғликларни реализация қилувчи;
уруғликларнинг истеъмолчиси (уруғликлардан фойдаланувчи);
уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатларини аниқлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи ташкилот.

### 7-модда. Уруғчилик субъектларининг ҳуқуқлари

Уруғчилик субъектлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
уруғчилик соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиш;
селекция ютуқларидан фойдаланиш;
уруғликларнинг кўргазма-савдоларида (кимошди савдоларида) иштирок этиш;
ўз фаолиятида инновацион технологиялардан фойдаланиш ва илм-фан ютуқларини жорий этиш;
уруғлик етиштириш бўйича ресурсларни тежовчи технологияларни қўллаш.

### 8-модда. Уруғчилик субъектларининг мажбуриятлари

Уруғчилик субъектлари:
уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган майдонларнинг даврий апробациядан ўтказилишини таъминлаши;
ваколатли орган томонидан тасдиқланган уруғликларни етиштириш схемаларининг технологик талабларига, уларни сақлаш ҳамда реализация қилиш қоидаларига риоя этиши, шунингдек уруғликларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини таъминлаши;
уруғликларни реализация қилишда уруғлик туркумига берилган мувофиқлик сертификатини, шунингдек дурагайлар ва навларнинг тавсифларини уруғликларнинг истеъмолчиларига (уруғликлардан фойдаланувчиларга) тақдим этиши;
ваколатли органлар билан уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган майдонларни апробациядан ўтказиши шарт.

Уруғлик етиштирувчилар, уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатларини аниқлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳар бир уруғлик туркумининг генетик (нав) ва экинбоплик сифатлари бўйича тўлиқ ҳисобини юритиши шарт.

## 2-боб. Уруғчилик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

### 9-модда. Уруғчилик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Уруғчилик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:
инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инфратузилмани ва сервис хизматларини ривожлантириш;
илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва фаолиятнинг замонавий шаклларини жорий этиш;
уруғлик етиштиришда генетик (нав) сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш;
уруғликларни кўпайтиришнинг ва уруғликлар истеъмолчиларини (уруғликлардан фойдаланувчиларни) уруғликлар билан таъминлашнинг самарали тизимини яратиш;
уруғчилик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш ва уруғлик етиштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
уруғчилик соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### 10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
уруғчилик соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
уруғчилик соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;
уруғчилик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;
давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг уруғчилик соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

### 11-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:
қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрини юритади;
уруғчилик соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;
қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг навларини синашга доир ишларни мувофиқлаштиради;
пахта чигитини ва бошоқли дон экинларининг уруғликларини олиб чиқиш учун хулоса беради;
қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғликларини етиштириш ҳажмларига доир мақсадли прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқади;
уруғлик экинларини жойлаштириш учун уруғчилик хўжаликларини аниқлашда иштирок этади;
уруғлик экинларини апробациядан ўтказишда иштирок этади.

### 12-модда. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:
ўрмон хўжалиги экинлари уруғчилиги соҳасида давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;
манзарали ўсимликларнинг уруғликларини сертификатлаштириш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини яратади;
ўрмон хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштириш учун фойдаланиладиган майдонларни апробациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқади;
ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг нав ва экинбоплик сифатларини аниқлайди;
ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг сифатини аниқлаш услубларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;
ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик (нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати экспертиза қилинишини амалга оширишга доир қоидаларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;
ўз ваколатлари доирасида ўрмон хўжалиги экинлари уруғчилиги бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

### 13-модда. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази:
қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини, шу жумладан пахта чигитини ва бошоқли дон экинларининг уруғликларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантиради;
маҳаллий ва хорижий селекция навларининг, шу жумладан биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этади ҳамда ривожлантиради;
уруғлик етиштирувчиларнинг реестрини шакллантиради ва юритади;
қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғликларини тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича норматив талабларни халқаро стандартларга ва техник регламентларга мувофиқ ишлаб чиқади;
уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотлар ўтказишга, ушбу соҳа корхоналарининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашади;
уруғчилик бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, уруғликларга экишдан олдин ишлов беришга ҳамда уларни қайта ишлашга оид инновацион технологияларни, ушбу соҳадаги ноу-хауларни жорий этади;
ўз расмий веб-сайтида маҳаллий ва чет элдан келтирилган уруғликлар, уларнинг навлари, гибридлари, тоифалари, уларни етиштириш ҳажмлари ҳақидаги, шунингдек уруғликларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

### 14-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:
уруғчилик соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
уруғчилик соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;
давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг уруғчилик соҳасида тадбирлар ўтказишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради;
суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун уруғчилик хўжаликларини аниқлайди;
уруғлик экинларини жойлаштириш учун уруғчилик хўжаликларини аниқлаш бўйича комиссия тузади.

### 15-модда. Уруғликларни сертификатлаштириш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари уруғликларни сертификатлаштириш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат органидир.

### 16-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси қуйидагилар устидан назоратни амалга оширади:
пахта чигитининг ва бошоқли дон экинлари уруғликларининг сифати;
қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва ушбу экинлар уруғликларининг сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижроси, қишлоқ хўжалиги экинлари навларини жойлаштириш, районлаштириш ҳамда навли уруғликларини тайёрлаш режаларининг бажарилиши;
оригинал, элита ва репродукцион уруғликларнинг етиштирилиши, уларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этган ҳолда тежаб сарфланиши;
қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлик экинлари апробацияси тўғри ўтказилиши;
қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари маҳаллий ва хорижий селекция навларининг, шу жумладан биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш;
қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғликларини тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича норматив талабларнинг халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқ ишлаб чиқилиши;
қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича уруғликлар архивининг таркиби ва уруғликлар архивларининг юритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси сертификатлаштирилмаган ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган уруғликларнинг тарқатилишини тақиқлайди.

### 17-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органлари ходимларининг ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органларининг ходимлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:
уруғликларнинг сифат кўрсаткичлари тўғрилигини ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш мақсадида зарур таҳлиллар ўтказиш учун уруғликларнинг намуналарини танлаб олиш;
уруғликларнинг муҳофаза қилинадиган навларидан қонунга зид равишда фойдаланилишини тақиқлаш;
ҳар қандай уруғлик етиштирувчининг, уруғликларни реализация қилувчининг ва уруғликлар истеъмолчисининг (уруғликлардан фойдаланувчининг) ҳудудига кириш;
уруғчилик далаларига ҳамда уруғликларнинг туркумларига доир зарур ахборот, ҳужжатлар ва намуналарни олиш;
уруғликларни қонун ҳужжатларини бузган ҳолда етиштиришни, сақлашни, реализация қилишни тўхтатиб қўйиш ёки тақиқлаш;
мувофиқлик сертификати ва фитосанитария сертификати ёки карантин рухсатномаси мавжуд бўлмаган уруғликлар туркумларининг ташилишини тақиқлаш;
мувофиқлик сертификати, фитосанитария сертификати ёки карантин рухсатномаси мавжуд бўлмаган уруғликларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишига йўл қўймаслик;
қишлоқ хўжалиги экинларининг навларини янгилаш ва жойлаштириш тартибини бузганлик учун хўжаликлар раҳбарлари ҳамда бошқа масъул шахсларга нисбатан чоралар белгилаш.

## 3-боб. Уруғчилик соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш

### 18-модда. Уруғликларнинг генетик (нав) сифатини аниқлаш

Уруғликларнинг генетик (нав) сифати уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробацияси, тупроғини баҳолаш, уруғликларнинг лабораторияда ўтказиладиган нав синовлари натижалари бўйича аниқланади.

### 19-модда. Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробацияси

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробацияси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий органларининг, шунингдек тегишли тайёрлов ҳамда таъминот ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг қўшма қарори билан тузиладиган туман апробация комиссиялари томонидан ўтказилади.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробацияси ўсимликлар генетик (нав) жиҳатдан софлигининг, зараркунандалар билан зарарланган-зарарланмаганлигининг, касалликларга чалинган-чалинмаганлигининг ва уруғликлар умумий ҳолатининг далада ўтказиладиган текшируви орқали амалга оширилади.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробациясини ўтказиш натижаларига кўра туман апробация комиссиялари томонидан манфаатдор ташкилотлар ва жисмоний шахсларга апробация далолатномаси берилади.

Уруғлик етиштирувчилар шахсий фойдаланишдаги уруғлик экинзорларининг апробациясини апробация далолатномаси расмийлаштирилган ҳолда ўтказишга ҳақли.

### 20-модда. Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг тупроғини баҳолаш

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг тупроғини баҳолаш уруғликларни махсус участкаларда экиш ва келгусида уларнинг генетик (нав) сифатини текшириш орқали уруғликларнинг муайян турга, навга мансублигини ҳамда нав жиҳатдан софлигини белгилайди.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг тупроғини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан ўтказилади.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг тупроғини баҳолашни ўтказиш натижаларига кўра манфаатдор ташкилотлар ва жисмоний шахсларга уруғликларнинг генетик (нав) сифати тўғрисида хулоса берилади.

### 21-модда. Уруғликларнинг лабораторияда ўтказиладиган нав синови

Уруғликларнинг лабораторияда ўтказиладиган нав синови лаборатория таҳлили ўтказиш орқали уларнинг муайян навга мансублигини белгилайди ва генетик (нав) сифатини аниқлайди.

Уруғликларнинг лабораторияда ўтказиладиган нав синови Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Уруғликларнинг лабораторияда ўтказилган нав синови натижаларига кўра манфаатдор ташкилотлар ва жисмоний шахсларга уруғликларнинг генетик (нав) сифати тўғрисида хулоса берилади.

### 22-модда. Уруғликларнинг экинбоплик сифатларини аниқлаш

Уруғликларнинг экинбоплик сифатлари уруғликлар туркумларидан ажратиб олинган намуналардан уруғликлар таҳлилини ўтказиш орқали аниқланади.

Уруғликлар туркумларидан намуналар ажратиб олиш, уларнинг таҳлилини ўтказиш ва уруғликларнинг экинбоплик сифатларини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Уруғликларнинг экинбоплик сифатларини аниқлаш натижаларига кўра стандарт уруғликларга уруғликларнинг экинбоплик сифатлари кўрсатилган ҳолда мувофиқлик сертификати ва синов баённомаси, ностандарт уруғликларга эса уруғликларнинг экинбоплик сифатларини тасдиқловчи уруғликлар таҳлили натижаси берилади.

### 23-модда. Уруғликларни сертификатлаштириш

Экиш учун фойдаланиладиган уруғликлар сертификатлаштирилиши лозим.

Экиш учун фойдаланиладиган уруғликларни сертификатлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:
сертификатлаштириш учун талабнома бериш ва уни кўриб чиқиш;
намуналарни бирхиллаштириш, ажратиб олиш ва лабораторияга етказиш;
лабораторияда намуналар синовини ўтказиш;
олинган натижаларни таҳлил қилиш, мувофиқлик сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш;
мувофиқлик сертификатларини Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаштириш тизимининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш.

Уруғликларни сертификатлаштириш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Ўрмон хўжалиги экинларининг уруғликларини сертификатлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда унинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ аккредитация қилинган ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

### 24-модда. Уруғлик етиштирувчиларнинг реестри

Уруғлик етиштирувчиларнинг реестри пахта чигитининг, бошоқли дон экинлари ҳамда картошканинг оригинал ва элита уруғликларини ишлаб чиқарувчилар бўйича Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази томонидан юритилади.

Уруғлик етиштирувчиларнинг реестри уруғлик етиштирувчилар тўғрисидаги, янгилаб туриладиган ёзувларни ўз ичига олган маълумотларнинг ягона ахборот базасидир.

Уруғлик етиштирувчиларнинг реестрида уруғлик етиштирувчилар тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:
уруғлик ишлаб чиқарувчининг номи, почта манзили, телефон рақами;
уруғлик етиштирувчи раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;
пахта чигити, бошоқли дон экинлари ва картошка уруғлари навларининг ва дурагайларининг номи, шунингдек тоифаси.

Уруғлик етиштирувчиларнинг реестридаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Уруғлик етиштирувчиларнинг реестрига киритганлик учун ҳақ олинмайди.

### 25-модда. Уруғликларни етиштириш, тайёрлаш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

Уруғликларни етиштириш, тайёрлаш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларини етиштириш, тайёрлаш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тегишли ваколатли органлар томонидан белгиланади.

Интеллектуал мулк объекти бўлган уруғликлардан фойдаланишга патент эгасининг (лицензиарнинг) розилиги билан йўл қўйилади.

### 26-модда. Уруғликларни реализация қилиш

Уруғликларни реализация қилишга уларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатлари кўрсатилган мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Кимёвий ёки биологик ишлов берилган уруғликлар уруғликларнинг истеъмолчисига (уруғликлардан фойдаланувчига) ёки савдо тармоғига фақат қадоқланган тарзда етказиб берилади. Ҳар бир қадоқда ишлов бериш тури кўрсатилган ёрлиқ ва хавфсизлик чора-тадбирлари тўғрисидаги йўриқнома бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг қуйидаги уруғликларидан экиш (ўтқазиш) учун фойдаланиш ва ушбу уруғликларни экиш (ўтқазиш) учун реализация қилиш тақиқланади:
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритилмаган пахта чигити навлари ва дурагайларининг, бошоқли дон экинлари ҳамда картошка навлари ва дурагайларининг уруғликлари;
ўсимликлар карантини объектлари билан зарарланган уруғликлар;
техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ келмайдиган уруғликлар.

Янги ва истиқболли навларнинг уруғликларига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда, шунингдек уларнинг сифати бўйича мувофиқлик сертификати ёки таҳлил натижаси мавжуд бўлган тақдирда, пахта чигити, бошоқли дон экинлари ва картошка уруғликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ёки унинг ваколатли органининг рухсати билан реализация қилиниши мумкин.

Муомалага киритилаётган уруғликлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ тамғаланган ва қадоқланган бўлиши керак.

Хорижий мамлакатлардан олиб кирилаётган ва карантин объектлари ҳамда ўта хавфли зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтлар кенг тарқалган зоналарда етиштирилган уруғликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиш тақиқланади.

### 27-модда. Реализация қилинадиган уруғликларга доир кафолатлар

Уруғликларни етиштириш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи уруғчилик субъектлари уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатлари мувофиқ бўлиши учун жавобгар бўлади.

Агар уруғликларни етиштириш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи уруғчилик субъектлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатларига номувофиқлиги уруғликларни етиштириш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчиларга боғлиқ эмаслигини исботласа, уруғликларнинг истеъмолчиси (уруғликлардан фойдаланувчи) зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли эмас.

Олинган уруғликларга доир кафолатлар уларнинг сифати тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган муддатгача амал қилади.

### 28-модда. Уруғликларни олиб кириш ва олиб чиқиш

Уруғликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга қуйидаги шартлар асосида йўл қўйилади, агар:
пахта чигити, бошоқли дон экинлари ва картошка уруғликлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритилган нав ва дурагай жумласидан бўлса;
уруғликларнинг мувофиқлик сертификати ва фитосанитария сертификати, шунингдек карантин рухсатномаси мавжуд бўлса;
уруғликлар селекция ва тадқиқот ишлари, кўргазмага қўйиш учун мўлжалланган бўлса.

Уруғликларни (бундан пахта чигити, бошоқли дон экинлари ва картошка уруғликлари мустасно) олиб кириш чоғида аккредитация бўйича халқаро ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган хорижий лабораториялар ўтказган синовларнинг натижалари синов чоғида қўлланилган талаблар Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган шунга ўхшаш талаблардан паст бўлмаган ҳолларда тан олинади.

Илмий мақсадларда ва навни синаш учун олиб кирилаётган ҳамда олиб чиқилаётган уруғликлар учун божхона божи ундирилмайди ва улар квоталанмайди ҳамда лицензияланмайди.

Пахта чигитини ва бошоқли дон экинларининг уруғликларини олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг қарорига биноан амалга оширилади. Бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини олиб чиқиш учун махсус рухсатнома талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши лозим бўлган уруғликларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекциялари томонидан берилган фитосанитария сертификати илова қилинади.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Уруғчилик тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1 ва 2-бетларда).

**29-модда. Уруғликларга қўшимча ишлов бериш, уларни утилизация қилиш ва йўқ қилиш**

Экинбоплик сифатларини аниқлаш натижаларига кўра белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқсиз деб топилган уруғликларга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қоидаларига мувофиқ қўшимча ишлов берилиши, улар утилизация қилиниши ва (ёки) йўқ қилиниши лозим.

Уруғликлар уларнинг экинбоплик сифатларини аниқлашни амалга ошириш ва улардан кейинчалик фойдаланиш мумкинлиги ёки уларни йўқ қилиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган даврда хавфсизликни таъминлайдиган шарт-шароитларга риоя этилган ҳолда алоҳида хоналарда сақланиши лозим.

Белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқсиз бўлган уруғликларни утилизация қилиш ва (ёки) йўқ қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни уруғлик етиштирувчилар ва реализация қилувчилар томонидан қопланади.

**30-модда. Суғурта уруғлик фонди**

Табиий офатлар рўй берган ҳолларда қайта экиш учун навли уруғликлар етказиб берилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек бошқа мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси суғурта уруғлик фондини ташкил этади.

Суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**31-модда. Уруғчилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар**

Уруғчилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази, тегишли тармоқ илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, шунингдек бошқа илмий ташкилотлар томонидан амалга оширилади, улар:

уруғчиликнинг, уруғшуносликнинг ва навшуносликнинг илмий асосланган тизимларини;

янги ва истиқболли навларни жорий этишга доир тавсияларни;

инновацион технологияларни ва юқори сифатли уруғликлар етиштириш самарадорлигини ошириш усулларини;

уруғчиликни ахборот жиҳатидан таъминлаш тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича дастурларни ишлаб чиқади.

**32-модда. Уруғчилик соҳасида интеллектуал мулк**

Патент эгалари, шунингдек лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар патент билан муҳофаза қилинадиган навлар ва дурагайларнинг уруғликларини етиштириш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Исталган юридик ва жисмоний шахслар патент ёки гувоҳнома билан муҳофаза қилинмайдиган навлар ва дурагайларнинг уруғликларини етиштириши ҳамда улардан фойдаланиши мумкин.

**4-боб. Якунловчи қоидалар**

**33-модда. Уруғчилик соҳасидаги фаолиятни молиялаштириш**

Уруғчилик соҳасидаги фаолиятни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**34-модда. Низоларни ҳал этиш**

Уруғчилик соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**35-модда. Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**36-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Уруғчилик тўғрисида»**ги 267–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 130-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги 421–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 126-модда) **19-банди**;

3) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 772–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда) **XV бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 апрелда қабул қилинган **«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–31-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) **2-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–134-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 605-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган **«Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **18-моддаси**.

**37-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**38-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**39-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 16 февраль
№ ЎРҚ–521

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Қуйидагилар:

**Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг 2019 йил 1 апрелдан бошлаб бекор қилинадиган айрим турлари рўйхати** 1-иловага мувофиқ;

**Давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгиловчи нормалари мавжуд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юқорироқ юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаган ҳолда қайта кўриб чиқиш жадвали (кейинги ўринларда — Жадвал)** 2-иловага мувофиқ;

**Давлат хизматларини оптималлаштириш, давлат хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган маълумотларнинг электрон базаларини шакллантириш ҳамда идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини “Электрон ҳукумат” тизимига интеграция қилиш бўйича тадбирлар режаси** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Жадвалга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини:

Агентлик, Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази ва бошқа манфаатдор идоралар ходимларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳлар тузиш;

аниқ бир турдаги давлат хизматини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани ялпи хатловдан ўтказиш;

давлат хизматларини оптималлаштириш, асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларини бартараф этиш;

қонун ҳужжатларини қисқартириш, нормаларнинг кўплигини бартараф этиш ва уларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштириш орқали нормаларни тизимлаштириш;

давлат хизматлари кўрсатиш тартибларини Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунига мослаштириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган муддатларда киритиш орқали таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг 3-иловасида кўрсатилган вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига Тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. 2019 йил 1 августдан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний шахслардан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар, солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотномалар талаб қилиниши тақиқлансин.

Белгилансинки, давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органлари, АТБ “Халқ банки”, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан электрон ўзаро ҳамкорлик орқали фақат идоралараро интеграциялашув платформасига ахборот олиш учун уланиш йўли билан мустақил равишда сўрайдилар ва оладилар;

Давлат солиқ қўмитаси, АТБ “Халқ банки”, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2019 йил 1 июлга қадар давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот тизимларини такомиллаштирсин ҳамда мазкур бандда назарда тутилган ахборот ва ҳужжатларни фақат идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этсин.

7. Агентликка Марказлар орқали давлат хизматларини жойларга чиққан ҳолда кўрсатиш (етказиб бериш) бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифлар асосида пуллик экспресс-хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилсин. Бунда ногиронлиги бўлган шахслар ва бориш қийин бўлган туманлар аҳолисига экспресс-хизматлар текин кўрсатилиши назарда тутилсин.

8. Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига:

фақат Марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини жорий этиш бўйича тадбирларни ўз вақтида бажариш;

давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг серверларида профилактика ишларини иш вақтидан ташқарида олиб бориш;

давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидаги носозликлар ҳақида Агентликни хабардор қилиш, шунингдек, уларни зудлик билан тузатиш чораларини кўриш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Агентликка хўжалик бошқаруви органлари, уй-жой коммунал ва фойдаланиш хўжалиги ташкилотлари томонидан турли хизматлар кўрсатилиши сифати устидан, жумладан, хизмат кўрсатиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фуқаролар учун бошқа қулайликлар яратиш юзасидан мониторинг олиб бориш ваколати берилсин.

Агентликка:

хўжалик бошқаруви органларига, уй-жой коммунал ва фойдаланиш хўжалиги ташкилотларига аниқланган қонун бузилишлари ва камчиликларни, уларнинг йўл қўйилишига олиб келган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш;

давлат хизматлари кўрсатиш талаблари ва тартибини бузганлик учун айбдор бўлган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматлари кўрсатишда Марказлар ходимлари томонидан аризачилардан нақд ва нақдсиз пул қабул қилиш механизмини жорий этсин;

бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматларини тезлаштирилган тартибда оширилган тарифлар бўйича кўрсатиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

уч ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари (KPI) (кўрсатилган хизматларнинг миқдори ва сифати, хизмат кўрсатиш тезлиги, ходимнинг хушмуомалалиги ва малакалилиги, мурожаатчиларнинг фикрлари ва бошқалар) ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда Агентликнинг “Call service” орқали давлат хизматлари кўрсатиш механизмини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар “ФҲДЁ ягона электрон архиви” ахборот тизимининг блокчейн технологиясидан фойдаланиш асосида, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида жорий этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда юқори синфлар учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг ўқув дастурига “Электрон ҳукумат” тизими хизматларидан фойдаланиш, талаб энг юқори бўлган давлат хизматларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, Ягона порталдан фойдаланган ҳолда олиш кўникмаларига ўргатишга бағишланган махсус бўлим киритсин.

12. Иқтисодий ривожланиш даражаси ортда қолаётган туманлар ҳамда чекка ҳудудларга салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ–3701-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори доирасида қўшимча объектларни қуриш учун инвесторларга барча имтиёз ва афзалликлар сақлаб қолинган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳудуд миқёсидаги бошқа туман (шаҳар)дан ер участкаларини ажратишга рухсат берилсин.

13. Давлат хизматлари марказлари биноларини қуриш Режа-жадвали 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига Режа-жадвални ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Агентлик Режа-жадвалнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторингни ўрнатсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига унинг ижро этилиши тўғрисида ҳар чоракда ахборот киритсин.

14. 2021 йил 30 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Агентлик томонидан Марказлар, нотариуслар ва ФҲДЁ архивларини жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган сервер ва компьютер ускуналари, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, дастурий таъминот, асбоблар ва қурилмалар, бошқа ускуналар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т. А. Худайбергенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 15 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЙИЛҚИЧИЛИК ВА ОТ СПОРТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича “Қорабайир отчилик мажмуаси” УК ва “Водий тулпорлари” МЧЖ мажмуаларини, улар таъминотини молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда ва йиллик харажатлари кўрсаткичларини Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси (кейинги ўринларда — Федерация) билан мажбурий келишиш шарти билан, Федерация таркибига киритиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳокимликлари ва Федерация билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда аниқ ер участкалари ва бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари ҳудудида болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш, шунингдек, тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларига топшириш учун уларнинг рўйхатини шакллантирсин;

бир ой муддатда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш истагини билдирган салоҳиятли тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторларни (кейинги ўринларда — ташаббускорлар) аниқласин;

уч ой муддатда энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида ер участкалари ва бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини ташаббускорларга тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун, шу жумладан, уларнинг бир қисмида ёки алоҳида ажратилган ҳудудда болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш бўйича ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда тақдим этилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари, биринчи навбатда, ипподромлар ҳудудида ташкил этилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг қурилиши Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг моддий-техника базасини дастлабки мустаҳкамлаш, жумладан, техника, анжомлар ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ташаббускорлар томонидан амалга оширилади;

спорт отларини сотиб олиш бўйича харажатлар, шунингдек, болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг моддий-техника базасини кейинчалик мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

мазкур қарорга мувофиқ ташкил этилган болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг балансига ўтказилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг жорий фаолиятини ташкил этиш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, коммунал хизматлар, спорт отларига озуқа ва дори-дармонлар сотиб олиш ҳамда бошқалар бўйича харажатлар) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари ва спорт якка курашлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг от спорти бўлинмалари фаолиятини ташкилий-методик таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Федерация билан биргаликда амалга оширилади.

4. Марказ ҳузурида лаборатория ташкил этилсин ва унга отларнинг қон гуруҳини аниқлаш ва маълумотлар базасини яратиш бўйича вазифалар юклансин.

5. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Ўзқурилишматериаллари” АЖнинг мазкур қарорга мувофиқ Қашқадарё вилоятида ташкил этилаётган болалар-ўсмирлар от спорти мактаби ҳамда Фарғона шаҳар спорт якка курашлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг от спорти бўлинмаси ўқувчилари кейинчалик бепул фойдаланишлари учун “Қорабайир отчилик мажмуаси” УК ва “Водий тулпорлари” МЧЖнинг Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш мажмуаларига спорт отларини тегишлича “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳамда “Kvarts” АЖнинг маблағлари ҳисобидан сотиб олиш ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда от спорти клубларини ташкил этиш мақсадида тадбиркорлик субъектларига бепул фойдаланиш учун зарур бинолар ва иншоотларни тақдим этиш чораларини кўрсин, зарур ҳолларда мазкур бандни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади Федерация фаолиятини молиялаштиришга йўналтириладиган хайрия ёрдами кўринишидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Федерация:

Марказ лабораториясини замонавий ускуна ва малакали мутахассислар билан жамланишини таъминласин;

мутахассис-чавандозлар, Марказ лабораторияси мутахассислари, кавалер-инструкторлар, шунингдек, манфаатдор идоралар ходимларини хорижда ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этсин;

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЙИЛҚИЧИЛИК ВА ОТ СПОРТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1 ва 3-бетларда).

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини малакали мутахассислар, зарур ўқув-методик адабиётлар билан жамлаш, шунингдек, ўқув-машқ жараёнини лозим даражада ташкил этиш учун ўқув биноларини жиҳозлашнинг зарур чора-тадбирларини таъминласин;

икки ҳафта муддатда 2019 йилда от спорти бўйича ҳудудлар ва республика биринчилиги мусобақаларини ўтказиш, шунингдек, кейинчалик Спорт ва жисмоний-оммавий тадбирлар календарь режасига киритиш учун мазкур спорт тури бўйича халқаро турнирларда иштирок этиш режасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатиш тартибини, жумладан, мазкур хизматлар ҳажмини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда "Марказий ипподром" АЖнинг қурилиш-монтаж ишларини якунлаш, шунингдек, кейинчалик илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатиши учун молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини жалб қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Федерация билан биргаликда ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни иппотерапия услуби ёрдамида тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ушбу қарор доирасида ташкил этиладиган болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари таъминоти ҳамда уларни моддий-техник жиҳозлаш, шу жумладан, спорт отларини парваришлаш учун зарур бўлган бюджет маблағларини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги 2019-2020 йилларда Федерация кўмагида от спорти мактаблари ҳамда клубларини ташкил этиш ва ўз тасарруфида бўлганларини такомиллаштириш чораларини кўрсин, шунингдек, идоравий мансуб йилқичилик ва спорт базаларини уларда ёшларни от спорти билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида барча учун очиқ бўлган секциялар ҳамда тўгаракларни ташкил этган ҳолда модернизация қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда олий ва касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар ва мутахассис-йилқичилар тайёрлаш ўқув режалари ҳамда дастурларини такомиллаштиришни таъминласин, шунингдек, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги "Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–3057-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 февраль

# ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

## Депутат фикри

*"Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатига юборилди.*

*Қонуннинг ўзига хос хусусияти нималардан иборат? Мазкур механизм қандай самара беради?*



# ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Лойиҳа Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги, шунингдек, "Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонларига мувофиқ Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан тайёрланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларга асосан, Ҳукумат аъзоларини тайинлаш ва тасдиқлашнинг амалдаги тартибига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилган Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади (амалиётда палаталарнинг қўшма мажлисида). Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини лавозимига тасдиқлаш ва озод қилиш Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи эса, Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Парламентлари икки палатали бўлган аксарият давлатларда, масалан, Бельгия, Босния ва Герцеговина, Ирландия, Қозоғистон, Польша, Чехия, Малайзияда ҳукумат аъзоларини тасдиқлаш қуйи палатанинг, АҚШда юқори палатанинг, Италия, Руминия, Япония, Тожикистон, Филиппин каби давлатларда парламент ҳар иккала палатасининг биргаликдаги ваколатига киради.

Қонунда миллий амалиётимиз ва хориж тажрибаси асосида Ҳукумат аъзоларини парламент томонидан маъқуллашнинг янги тартибини қўллаш масаласи илгари сурилди. Унга кўра, Бош вазир номзодини тасдиқлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари номзоди Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланганидан кейин, Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг номзоди Қонунчилик палатасидаги масъул қўмита, фракциялар томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилгач, Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ва маъқулланади.

Номзод Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасида ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий-техник чора-тадбирларни ҳамда келгусидаги вазифаларни назарда тутувчи ўзининг ҳаракатлар режасини тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Ҳукумат аъзоси номзодини рад қилган тақдирда, Бош вазир кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни тақдим этади. Вазирлар Маҳкамаси аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқувчи тегишли йилга мўлжалланган Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқишнинг тартиби ҳам қонунда ўз ифодасини топган.

Мазкур қонун парламентнинг муҳим қарорларни қабул қилиш ҳамда қонунлар ижросини назорат этиш борасидаги фаолиятини кучайтиришга, шунингдек, Ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

**Мухтабар ҲУСАНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

*Меҳрга муҳтож болаларга мурувват кўрсатиш халқимизга хос бебаҳо қадриятлардан саналади. Одамларимизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида етим қолган турли миллат ва элатга мансуб минглаб жажжиларга нисбатан кўрсатган ғамхўрлиги инсонпарварликнинг ёрқин намунаси сифатида доимо ҳурмат билан тилга олинади.*

## Сенатор мушоҳадаси

Мамлакатимизда етим ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар бугунги кунда ҳам доимий диққат-эътиборда. Хусусан, республикамиздаги 20 дан зиёд Меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларида 2,5 мингга яқин ўғил-қизлар тарбияланаётган бўлиб, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини давлат тўлиқ ўз зиммасига олган.

Президентимизнинг "Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бундай ёшларга ғамхўрлик қилиш бугунги кунда давлат сиёсатининг муҳим йўналиши эканлигининг яна бир исботи.

Энг муҳими, қарорда етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш механизмлари замон талабларидан келиб чиқиб, янгича ёндашувлар асосида белгиланган.

Аввало, мазкур соҳа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида уларнинг маоши 1,5 баробар оширилганини алоҳида эътироф этиш лозим. Шунингдек, оилага тарбияга олинган ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа миқдори оширилгани оилаларда фарзандлар парвариши сифатининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, етим ёхуд ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг руҳий ҳолати алоҳида эътиборни талаб қилади. Таълим-тарбия бериш баробарида, уларнинг ички кечинмаларидан хабар бўлиш, психологик кўмак бериш, қисқача айтганда, болаларни эшитиш — уларда ҳаётга ва эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис қарорда Меҳрибонлик уйларини психолог ходимлар билан таъминлаш вазифаси қатъий белгиланган.

Ўз навбатида, ҳужжатда Меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларида замонавий компьютер синфларини очиш ҳамда тарбияланувчилардан ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассислар тайёрлаш бўйича тизимли вазифалар қўйилаётгани ўсмирларнинг бу борадаги қобилиятларини янада кенгроқ намоён этиш, қолаверса, истиқболли ҳисобланган АКТ соҳасини етук кадрлар билан таъминлашга замин яратади.

Тарбияланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга доир қатъий чоралар, хусусан, уларга давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ тўловлардан тарбия муассасаларининг озод этилгани ҳамда болалар уйларида хавфсизликни кучайтириш, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олишга доир аниқ вазифалар қўйилгани бундай муассасаларда янада соғлом муҳит қарор топишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Инсон, айниқса, етим бола ўзини тўлақонли шахс сифатида намоён этиши учун, албатта, бошпанаси ва доимий иш ўрни — ҳунари бўлмоғи шарт. Ана шу икки жиҳатнинг эътибордан четда қолиши оқибатларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шу боис Президент қарорида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни уй-жой ва иш билан таъминлашнинг қонуний кафолатларини мустаҳкамлашга доир вазифалар белгилаб берилган. Эндиликда етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлганларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг дастлабки бадали Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши неча-неча тақдирларнинг катта ҳаётга мустаҳкам қадам қўйиши кафолатидир.

Халқимизда "Боланинг бегонаси бўлмайди", деган пурмаъно ҳикмат бор. Шундай экан, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум болалар ҳам шу эл, шу юрт, шу давлатнинг фарзандлари. Уларни соғлом, маърифатли ва садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг вазифамиз, таъбир жоиз бўлса, бурчимиздир. Бу борада парламент ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш лозим.

Шу боис Президент қарорида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз ва аниқ ижро этилиши парламент, хусусан, биз, сенаторларнинг доимий эътиборимизда бўлади.

**Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.**

## 2019 йил — Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

*Шу кунларда жойларда Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирокида Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида белгиланган бандлари ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш бўйича истиқболли вазифалар юзасидан тарғибот-тақдимот семинарлари бўлиб ўтмоқда. Халқ депутатлари вилоят Кенгашларида ташкил этилаётган бундай амалий тадбирларда ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилиняпти.*

*Жумладан, 2019 йил давомида Навоий вилоятида ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида қиймати 174 миллиард сўмлик қурилиш ва бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқариш белгиланган. Халқ вакилларига бу борада қилиниши лозим бўлган тадбирлар ва жамоатчилик назорати механизмларини янада кучайтириш хусусида батафсил маълумотлар берилди.*

# ДАСТУР ИЖРОСИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

***Дилбар ОРЗИЕВА,***
***халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати,***
***Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори:***

— Дастурда вилоятимизда 47 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма ҳамда 12 та ичимлик суви объекти қурилиши, реконструкция қилиниши кўзда тутилгани, шуларнинг 17 таси мактабгача таълим муассасаси, 15 таси эса умумтаълим мактаби экани мамлакатимизда келажак авлод тарбиясига йўналтирилган инвестиция, десак, янглишмаймиз. Айниқса, Учқудуқ, Томди ва Конимех туманларининг чекка овулларида мактабгача таълим муассасаларини бунёд этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар аҳолининг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди. Шунингдек, янги иш ўринлари яратилишига замин ҳозирлайди.

Албатта, бу вазифалар мазмун-моҳиятини теран англаб, шу асосда ишлар ташкил этиш унинг натижадорлиги гаровидир. Айни жиҳатдан, семинар нафақат ижрочи масъуллар, балки биз, депутатлар ва кенг жамоатчилик учун ҳам фойдали бўлди.

***Бахтиёр БОЗОРОВ,***
***халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати,***
***Кармана тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:***

— Туман тиббиёт бирлашмаси тизимида 20 ўринли юқумли касалликлар бўлимини қуриш, ёрдамчи биноларни реконструкция қилиш, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва бошқа объектларни барпо этиш каби ижобий ташаббуслар бизни беҳад қувонтирди. Чунки бунга етарли асосларимиз бор. Таъкидлаш жоизки, туман юқумли касалликлар бўлими биноси бундан 50 йил муқаддам қурилган. Муҳандислик-коммуникация тармоқлари оддий гигиена ва санитария талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган ҳолатда эди.

Шунингдек, вилоятимиз тиббиёт муассасаларига қарашли 10 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши, ушбу мақсадларга 25,1 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликлар профилактикасида таянч тиббиёт муассасалари имкониятларини бир қадар кенгайтиради. Айниқса, ҳужжатда, тез тиббий ёрдам хизматини автотранспорт воситалари билан таъминлаш борасида вилоятимизга 8 та замонавий махсус тиббий транспорт воситаси ажратилиши кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилайди.

Семинар видеоселектор шаклида ўтказилиб, шаҳар ва туман студияларидаги иштирокчилар Давлат дастурида белгиланган ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида, хусусан, Меҳнат кодексининг ҳамда "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳаларига таклифлар киритиш ва энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш, иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш каби бир қатор чора-тадбирлар мақсад-моҳияти билан таништирилди.

Қолаверса, Давлат дастури ижросининг сўзсиз таъминланиши унинг мазмун-моҳияти билан юртдошларимиз нечоғли таниш эканлигига боғлиқлиги таъкидланди.

Шу каби семинарлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилмоқда.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Маҳаллий Кенгашларда

# ЭСКИЧА ИШЛАШ УСЛУБИДАН ҚАЧОН ВОЗ КЕЧАСИЗ, ШИФОКОРЛАР?

Таҳлилларга кўра, Бухоро вилояти аҳолиси ўртасида нафас олиш аъзолари хасталиклари 25,4 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич, айниқса, Когон, Жондор, Ғиждувон ва Ромитан туманларида юқори. Вилоятда 2018 йилда умумий юқумли касалликларга чалиниш даражаси ҳам 2017 йилдагига нисбатан 13,1 фоиз кўпайгани хавотирлидир.

Ёки бошқа бир мисол. Ҳудудда оналар ўлими 2017 йилдагига нисбатан 8 тага ошган. Даволаш-профилактика муассасаларидаги тиббий асбоб-ускуналарнинг 15 фоизи носоз, 32 фоизи маънан эскирган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи жойларга чиқиб, ҳақиқий аҳвол билан танишганида, шу каби бир қатор камчиликлар аниқланди.

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи, истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Э. Боситхонова ахборот берди.

Табиийки, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва улар натижаси ҳақида ҳам сўз борди. Чунончи, умумий касалланиш кўрсаткичи нисбатан камайган. Тез тиббий ёрдам тизими моддий-техника базаси мустаҳкамланган.

Аммо ишчи гуруҳи аъзолари депутатлар эътиборини кўп ҳолларда шифокорларнинг ўзида ташаббускорлик, жонкуярлик етишмаётганига қаратдилар. Янгича ишлашга интилиш сезилмаяпти. Масалан, Вобкент тумани тиббиёт бирлашмасида яратилган шарт-шароитлар ҳавас қилса арзигулик даражада. Лекин айрим шифокорлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг эскича ишлаш услубидан воз кечмаётгани сезилиб қолади. Дейлик, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлардан кейин эндокринологнинг тасаввурида нима ўзгарди? У тизимдаги янгиликлардан хабардорми? Лоақал ўз соҳасига оид даврий нашрларни ўқияптими? Ёхуд ҳузурига келган беморни шифохонага йўлланма билан жўнатган врач унинг кейинги аҳволи билан қизиқиши керак эмасми?

Булар чин кўнгилдан бажарилсагина, одамлар тиббиётдаги ўзгаришларни сезади, ҳис этади.

Йиғилишда тизимдаги интеграция масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Афсуски, қуйи бўғинларда даволаш имконияти бўла туриб, беморларни вилоят тиббиёт муассасаларига жўнатиш ҳоллари кўп учрамоқда.

Камчилик ва нуқсонларнинг илдизи касалликларнинг умумий кўрсаткичлари чуқур таҳлил этилмаётганида, дея таъкидланди. Шу боис давлатимиз раҳбарининг соҳага оид Фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятига бағишланган семинарлар ўтказиш, шифохоналарни кўргазмали материаллар билан таъминлаш таклифи билдирилди. Шаҳар, туман тиббиёт бирлашмалари бош врачлари ҳар куни камида ўн нафар беморни кўрикдан ўтказиши белгиланди. Бундан ташқари, вилоят ҳокими ҳудуддаги тиббиёт муассасаларига шахсан ўзи бориб, шифокорлар ва беморлар билан юзма-юз суҳбатлашади, ҳақиқий аҳволни ўрганади.

Сессияда соҳа мутасаддиларининг ахборотлари тингланди. Фаолиятлари танқидий таҳлил қилиниб, уларга зарур тавсиялар берилди.

Якунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида тегишли қарор қабул қилинди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРИДА ЎЗИГА НИСБАТАН ИШОНЧНИ ТИКЛАДИ»

Мамлакатимизнинг ўз тарихида илк бор халқаро фонд биржасига евробондларни жойлаштириши нуфузли экспертлар, иқтисодчилар томонидан илиқ кутиб олинди. Қуйида таниқли мутахассисларнинг бу борадаги муносабатлари билан танишасиз.



**Александр БАХТИН,**
**«БКС премьер» компаниясининг (Россия) инвестициялар бўйича эксперти:**

— Ўзбекистоннинг халқаро капитал бозоридаги дебюти бўлажак сармоялар учун муҳим замин яратди. Республика дунё корпоратив маблағлари бозорига чиқиш ҳамда халқаро молия ресурсларини миллий иқтисодиётга жалб қилиш имконига эга бўлди. Илгари сармоядорлар мамлакатда мавжуд айрим муаммолар туфайли инвестиция киритишдан қочар эди. Эндиликда Ўзбекистон халқаро молия бозорида ўзига нисбатан ишончни тиклади.



**Андерс ФАЕРГЕМАНН,**
**«PineBridge Investments» (Буюк Британия) жамғармаси бошқарувчиси:**

— Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, қимматли қоғозлар тақдимоти ва кенг кўламли маркетинг стратегияси бизда катта таассурот уйғотди. Республика нафақат табиий ресурслари, балки сармоявий активлари билан ҳам халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини жалб этмоқда.



**Грегори СМИТ,**
**«Renaissance Capital» (АҚШ) инвестициявий компанияси маслаҳатчиси:**

— Евробондларнинг жойлаштирилиши Ўзбекистоннинг дунёга очилаётганидан далолат бериб, мамлакатга хориж сармояси оқимининг ортишига туртки беради. Қолаверса, фирма ва компаниялар учун ҳам халқаро молия ресурсларини жалб қилиш имконияти юзага келмоқда. Республиканинг катта валюта захирасига эгалиги унинг жозибадорлигини янада оширади. Биз Ўзбекистоннинг режаларига ишонч билан қарамоқдамиз.



**Пол МАКНАМАРА,**
**Ривожланаётган мамлакатлар бозорини ўрганувчи «Money Manager GAM» (АҚШ) компанияси бошқарувчиси:**

— Сўнгги йиллар облигациялар бозорлари учун оғир бўлди. Аммо эндиликда капитал ривожланаётган давлатларга қайтмоқда. Ўзбекистон ушбу лаҳзани “илиб олди” ҳамда янгича талабга жавоб берадиган облигацияларни жойлаштирди.



**Яков ЯКОВЛЕВ,**
**«Атон» компанияси (Россия) таҳлилчиси:**

— Ўзбекистон қимматли қоғозларни жойлаштириш учун ниҳоятда қулай фурсатни танлади. Мамлакатнинг қимматли қоғозларига талаб ва улар келтирадиган даромад ҳажми кутилганидан кўра 60 — 70 фоиз кўп бўлди. МДҲ давлатларида бундай юқори сифатли ва талабга эга қоғозлар камдир. Бу инвесторларга ўз сармоя портфелини юксак даромадли қоғозлар ҳисобидан диверсификациялаш имконини берди.

**Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

## БИЗ ВА ЖАҲОН

### АҚШ экспертлари:
# «Ўзбекистон – Марказий Осиё минтақасидаги янги тўлқиннинг локомотиви»

◄1

Таъкидланганидек, 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича халқаро конференция ўтказилгани, 2018 йил март ойида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Қозоғистоннинг Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви ташкил этилгани, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2018 йил июнь ойида “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилингани минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этди.

Форумдан кўзланган мақсад Марказий Осиёдаги ўзаро ҳамкорлик суръати ва истиқболларини атрофлича кўриб чиқиш, кооперация алоқаларини чуқурлаштириш йўлида очилаётган янги имкониятлар ҳамда мавжуд тўсиқларни батафсил муҳокама қилишдан иборат.

Экспертлар ушбу халқаро конференция муҳим эканлиги ва Марказий Осиёдаги минтақавийликнинг янги тўлқини локомотиви ролини пухта мустаҳкамлаб олган Ўзбекистонда ўз вақтида ўтказилаётганини таъкидлашди. Таҳлилчилар Вашингтон Тошкентнинг минтақавий интилишлари ва унинг яхши қўшничилик сиёсатини қўллаб-қувватлашини тасдиқлашди. Зеро, Ўзбекистон ва АҚШ Президентларининг 2018 йил май ойидаги расмий баёноти бандлари ҳам шундан далолат беради. Унда, жумладан, мустақил ва кучли Марказий Осиё минтақаси муҳимлиги қайд этилиб, Ўзбекистон етакчиси томонидан Марказий Осиё раҳбарларининг ҳамкорликдаги мулоқотини чақириш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватланган. Бу минтақадаги ўзаро савдо салоҳиятини кенг намоён этади ҳамда умумий муаммоларга ечим топишда ҳамкорликдаги ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади. Президент Дональд Трамп ушбу муҳим жараёнларда Ўзбекистон ҳал қилувчи роль ўйнашини алоҳида қайд этган.

АҚШ делегацияси вакиллари минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш стратегиясини муҳокама қилиш ва уни ишлаб чиқиш жараёнларида фаол қатнашиш, қолаверса, Марказий Осиёни барқарор ҳамда гуллабяшнаётган минтақага айлантиришга қаратилган амалий тавсиялар ва таклифларни тақдим этишга тайёр эканликларини билдиришди.

**С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.**

# Тошкент давлат аграр университети вакиллари АҚШда қандай келишувларга эришди?

◄1

Шимоли-ғарбий ижтимоий коллеж президенти Майкл Хейндал билан Ўзбекистондаги агрокластерлар учун муҳандис-техник кадрларни профессионал (касбий) тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришга ушбу билим даргоҳидан экспертлар ҳамда ўқитувчилар жалб этиш масаласи кўриб чиқилди. Юртимизда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириб келаётган АҚШ компаниялари техникалари ва технологияларини қўллашни ўргатиш бўйича қўшма марказ ташкил этишга ҳам қизиқиш билдирилди.



Миссисипи штатидаги Олий таълим институти раҳбари Альфред Ренкинс билан ҳам академик ва илмий тадқиқот жабҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди. Ушбу муассасанинг Васийлик кенгаши ОТМ академик дастурларини аккредитациядан ўтказиш, молиялаштириш, шунингдек, унинг хориждаги ваколатхоналарини кенгайтириш масалалари бўйича асосий қарорларни қабул қилади.

Тошкент давлат аграр университети ректори Миссисипи штати университети проректори ва ижрочи вице-президенти Жуди Боннер ҳамда унинг соҳавий факультетлари, кафедралари мудирлари билан ҳам музокаралар олиб борди.

Учрашув якунида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланиб, эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Ҳужжатларда академик ва экспертлар алмашиш дастурларини амалга ошириш, балиқчилик, ўрмончилик, пахтачилик, мева-сабзавотчилик, сув ресурсларини бошқариш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бориш назарда тутилган. Айни чоғда магистратуранинг “Агробизнес ва менежмент” йўналишида қўшалоқ диплом қўшма дастурини жорий этиш яқин истиқболдаги ҳамкорликнинг алоҳида жиҳати эканлиги таъкидланди.

ТДАУ ректори Америка олий ўқув юрти қароргоҳига ташрифи давомида Қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар коллежи декани, доктор Жорж Хупер билан учрашиб, у билан агросаноат мажмуаси учун кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, амалий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон делегацияси Гўшт маҳсулотларини тадқиқ этиш бўйича лаборатория фаолияти билан ҳам танишди. Бу ерда чорва молларини боқиш, гўштга ишлов бериш, яримтайёр маҳсулотларни музлатиш ҳамда сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва тайёр маҳсулотга айлантириш каби ишлаб чиқаришнинг барча босқичи қамраб олинган.

Ветеринария тиббиёти коллежида Тошкент давлат аграр университети вакиллари ушбу илм маскани таълим ҳамда илмий-амалий фаолиятининг бевосита гувоҳига айланиб, профилактика, ташхис қўйиш ва даволаш, чорва молларидаги касалликлар ҳамда жароҳатлар юзасидан амалий ишларни батафсил кўриб чиқиш имконига эга бўлишди.

Делегация Миссисипи штати университетининг Қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик тажриба станциясига ҳам ташриф буюрди. У ерда қишлоқ хўжалиги экинлари, балиқ етиштириш бўйича илмий тадқиқот фаолияти, қолаверса, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларини самарали бошқариш тизимини яқиндан ўрганишди.

Мазкур станция ва унинг таркибидаги “Delta” тадқиқот маркази вакиллари билан мулоқот давомида суғориш тизимини оптималлаштириш, қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалар ҳамда касалликлардан ҳимоя қилиш, балиқчилик ва чорвачилик тармоқлари самарадорлигини ошириш каби йўналишларда қўшма тадқиқотлар ўтказиш истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

Миссисипи штати университети делегациясининг шу йил апрель ойида Ўзбекистонга ташриф буюришига келишиб олинди.

**С. МАХСУМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

### Янни ХРИСОМАЛЛИС:
# «Ўзбек халқи меҳмондўстлиги билан юрагимни забт этди»



*Ноёб истеъдоди, юксак маҳорати билан дунё мусиқа оламида алоҳида ажралиб турадиган грециялик машҳур композитор, дирижёр, пианиночи Янни Хрисомаллис 25 йиллик ижодий фаолияти давомида Ўзбекистонда илк бор концерт дастурини тақдим этди. Созанданинг мамлакатимизда ҳам минглаб мухлислари топилади. Ўтган ҳафта пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” саройида уюштирилган санъат кечаси уларга ўзига хос туҳфа бўлди.*

Хўш, Янни мамлакатимиздан қандай таассуротлар олди?

— Қарангки, юртингизга шу вақтгача бирор марта ҳам келмаган эканман, — дейди у. — Ушбу ташрифимдан жуда хурсандман. Ўзбекистон менга таърифлаб беришганидан ҳам гўзал мамлакат экан.

Ҳаво бир оз салқин. Лекин одамларингиз ажойиб, улардан илиқлик уфуриб турибди. Атрофда болалар шўх-шодон ўйнаб юрибди. Ўзбек халқи меҳмондўстлиги билан юрагимни забт этди. Жуда кўп мазали таомлардан тановул қилдим. Таърифлашга тил ожиз. Айниқса, Ўзбекистон нонининг таъми оғзимда қолди. Бундай лаззатни авваллари сира ҳис этмаган эдим. Ҳайратдаман.

Бу замин бой тарихга эга экан. Турфа миллат ва элатлар асрлар давомида аҳил-иноқ бўлиб яшаб келмоқда. Бу ерга келиб, ҳатто шуни билдимки, Ўзбекистонда юнон миллатига мансуб ўн минг киши истиқомат қиларкан.

Ўзбек миллий либослари, сувенирлари менга жуда ёқди. Миллий чопонни кийиб, худди ўзбекка айланиб қолдим. Мен ушбу диёрда дунё тарихидаги илк Қуръони Карим нусхасини ҳам бориб кўрдим. Ҳақиқий тарих. Жуда таъсирландим.

Ҳаммангизни яхши кўраман. Раҳмат!

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ ёзиб олди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 100000 сўм бўлган пул белгисини муомалага чиқариш тўғрисида

◄1

Банкнотнинг юқори ўнг бурчагида Ўзбекистон Республикасининг Герби жигаррангда акс эттирилган.

Банкнотнинг ўрта қисмида қуёш системаси схемаси жойлашган бўлиб, унинг ранги кўриш бурчагига қараб бронза рангидан яшил рангга ўзгаради.

Орбита доирасида қуёш системаси сайёралари ва олтита кичик сайёра турли ўлчамдаги саккиз қиррали юлдузчалар кўринишида жойлашган. Уларнинг ранги ҳам маълум қияликда ўзгарувчан хусусиятга эга. Орбиталар доираси периметри атрофида “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI” сўз бирикмаси кўринишида такрорланувчи микроматн мавжуд.

Банкнот қуйи қисмининг марказида “BIR YUZ MING SO‘M” матни жойлашган бўлиб, унинг остида «O‘ZBEKISTON SO‘MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO‘LOVLAR UCHUN O‘Z QIYMATI BO‘YICHA QABUL QILINISHI SHART» ёзуви акс этган.

Банкнот пастки ўнг бурчагидаги 100000 рақами икки хил, яъни жигарранг ва яшил рангда аниқ чегараланган ҳолда босилган. Банкнотнинг лотин алифбосидаги икки ҳарфли серияси ва етти хонали сондан иборат рақами икки жойда босилган бўлиб, қуйи қисмининг ўнг томонидаги бўёқ ферромагнит, чап қисмдаги рангли майдондаги люминесцер хусусиятига эга.

**Банкнот орқа томонининг** чап қисмидаги овал шаклдаги майдонда ҳам локал сувли белгисини кўриш имконияти мавжуд. Чап томонининг юқори бурчагида гильошир розетка майдонида банкнот муомалага чиқарилган йил кўрсатилган.

Банкнотнинг марказида жигаррангда Мирзо Улуғбек обсерваторияси тасвирланган ва унинг устида “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI” матни туширилган.

Банкнотнинг қуйи қисмида кўк рангда 100000 рақами, “BIR YUZ MING SO‘M” ёзуви ҳамда уларнинг тагида “O‘ZBEKISTON SO‘MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNGA MUVOFIQ TA’QIB QILINADI” матни жойлашган. Мазкур тасвирлар ва банкнотнинг юқори қисми ўнг бурчагидаги 100000 рақами металлограф босма усулида (бўртмалиги сезиладиган) бажарилган. Банкнотнинг ўнг томонида қўш ёйли квадрант астрономик асбоб тасвирланган.

Банкнот марказида Ўзбекистон Республикаси харитасининг чегараси акс эттирилган бўлиб, унда буюк олим Мирзо Улуғбек ўз илмий фаолиятини олиб борган Самарқанд шаҳрининг жойлашган ўрни белгиланган. Хаританинг фони узлуксиз равишда такрорланувчи “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI” микроматни билан тўлдирилган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 100000 сўм бўлган пул белгиси, айни пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

**ЎзА.**

## Спорт

# Қиличбозларимиз муваффақияти

*Пойтахтимиздаги Гимнастика спорт саройида Марказий Осиё қиличбозлик конфедерациясининг ўсмирлар ва кадетлар ўртасидаги I очиқ чемпионати бўлиб ўтди.*

Мазкур мусобақада вакилларимиз билан бирга, Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистондан келган 150 нафардан ортиқ спортчилар шамшир, қилич ва рапира йўналишида ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Терма жамоамиз ушбу чемпионатда 11 олтин, 9 та кумуш ва 16 та бронза, жами 36 та медални қўлга киритган ҳолда, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

**Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари ва Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги ПҚ-4091-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг дастурлари бўйича кадрларни ўқитишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросига мувофиқ,

**қуйидаги йўналишларнинг бугунги кенг кўламли ва жадал ислоҳотлар давридаги устувор мутахассисликлари бўйича навбатдаги стипендиялар саралаш танлови бошланганлигини эълон қилади:**

**«Фан ва илмий тадқиқотлар», «Соғлиқни сақлаш», «Давлат бошқаруви» ва «Иқтисодиётнинг истиқболли тармоқлари».**

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ, республикамиз ҳудудларидаги номзодлар учун бир хил ва қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида стипендия танловига номзодлардан ҳужжатлар жамғарманинг www.eyuf.uz интернет манзили орқали online тарзда электрон шаклда қабул қилинади. **Ҳужжатлар қабул қилиш жорий йилнинг 20 февралидан 20 мартига қадар амалга оширилади.**

«Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендия танловлари тартиби, қоидалари ва саралаш танлови ўтказиш жараёнлари тўғрисида маълумотлар мунтазам равишда жамғарманинг www.eyuf.uz сайти орқали бериб борилади. Стипендия номзодлари мазкур сайтга мунтазам кириб туришлари сўралади. **Тез-тез сўраладиган аксарият саволларга жамғарма сайтида жавоблар мунтазам жойлаштириб борилади.**

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ва жадал ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар учун замонавий ҳамда юқори малакали мутахассис-кадрларни илғор давлатларнинг нуфузли университетлари, илмий марказлари, компания ва ташкилотларида тайёрлаш учун давлатимиз томонидан яратилаётган мазкур беқиёс имкониятлардан барчангизни унумли фойдаланишга чақирамиз ҳамда омад тилаймиз!**

*«Эл-юрт умиди» жамғармаси танлов комиссияси.*

160R/120

Шоличилик илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг собиқ ходими, селекционер, Давлат мукофоти совриндори **Сабира РИХСИЕВАнинг** вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz
02

Халқ банки:

# ФАОЛИЯТДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

XALQ BANKI

**Айни пайтда банкларимиз замон билан ҳамнафас фаолият юритишга, мижозларга янги хизматлар таклиф этишга интилмоқда. Зеро, шундай бўлиши ҳам лозим. Чунки рақобат кучайиб, талаб ўзгаряпти. Бундай шароитда даврга ҳамоҳанг юрмаган жамоа бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлай олмайди.**

**Акциядорлик тижорат Халқ банки кейинги йилларда ушбу тамойилга амал қилиб, инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда фаолият юритяпти. Жумладан, унинг барча филиалида “Банк хизматлари маркази” ташкил этилди. Бунинг афзаллиги шундаки, мижознинг у ёки бу эшикка бош суқиб, навбат кутишига ҳожат йўқ. Марказдаги мутахассислар уларнинг банк хизматларига бўлган талабини бажаришади.**

**Шунингдек, мижозларга банк хизматлари бўйича дастлабки маълумотларни берувчи 195 та маслаҳатчи лавозими жорий қилинди. Хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, ташриф буюрувчилар эҳтиёжини доимий мониторинг қилиб бориш мақсадида “Кюматик” навбат кутиш тизими йўлга қўйилди.**

**Бунга яқинда банкнинг Тошкент шаҳар Амалиёт бўлими фаолияти билан танишиш жараёнида яна бир карра амин бўлдик.**

**Аввало, шуни қайд этиш керакки, банк филиали жаҳон андозалари талабига мос равишда хизмат кўрсатиш учун зарур жиҳозлар билан таъминланган. Халқаро тўлов тизимларини бажарувчи кўп функцияли банкоматлар ўрнатилди.**

**Қисқаси, янгилик ва қулайликлар жуда кўп. Хўш, юртимиздаги энг кўп тармоққа эга бўлган, йирик ва универсал банкнинг ушбу бўлимида қандай ўзгаришлар бўлди? Келинг, шу ҳақда бирин-кетин тўхталиб ўтсак.**

## МАХСУС ҚЎЛЛАНМА — ЯҚИН ЁРДАМЧИ

Молия муассасаси томонидан ўз мижозларига қулайлик яратиш, уларни тақдим этилаётган банк хизматлари ҳақида тўлиқ ва тушунарли тарзда маълумотлар билан таъминлаш мақсадида банк хизматлари акс эттирилган махсус қўлланма тайёрланган. У жисмоний шахслар учун алоҳида, юридик шахслар учун алоҳида нашр қилингани диққатга сазовордир.

Маълумотлар оддий ва содда тарзда ёритилган. Унда, шунингдек, банк марказий аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари телефон рақамлари кўрсатиб ўтилган. Масалан, жисмоний шахсларга мўлжалланган қўлланмани олайлик. Унда ҳисоб рақам очилишию омонат қўйиш учун қандай ҳужжатлар талаб этилиши, омонат турлари, пластик карточка очиш тартиби, халқаро пул ўтказмалари, халқаро тўлов тизимлари, валюта айирбошлаш, кредит ва микроқарзлар бериш тартиби, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи ҳолати, лотереялар, коммунал тўловлар, қисқаси, нимаики хизмат турлари бўлса, барчаси тўғрисида тўлиқ маълумот келтирилган. Шу маънода, унга яқин кўмакчи, дея таъриф берсак арзийди.







Бу “Халқ ишончи ва фаровонлиги — асосий мақсадимиз” шиорини асос қилиб олган банк жамоасининг мижозларга қулайлик яратиш йўлидаги ташаббусларидан биридир.




## «РЕСУРС ЙЎҚ» ДЕГАН ҚАРАШЛАР ЭНДИ ЭСКИРДИ

Яна бир янгилик, банк мижозлари энди “банкда ресурс йўқ”, деган ҳолатга дуч келмайди. Чунки улар бундан буён ўз ҳисоб рақамидаги маблағларни исталган пайтда тасарруф этиш имкониятига эга. Бошқача айтганда, мижоз ўз пулини ўзи бошқаради, назорат қилади. Бундан кўзланган мақсад Халқ банки мижози учун ресурс билан боғлиқ ҳеч қандай муаммо юзага келмаслиги керак.

— Касб тақазоси туфайли ишимиз банклар билан боғлиқ, — дейди хусусий тадбиркор Наримон Аҳроров. — Очиғи, ҳозирги кунда кўрсатилаётган хизматлар бутунлай ижобий томонга ўзгарган. Муомаладан тортиб, хизмат сифати ва тезкорлигигача бўлган барча жараёндан кўнглингиз тўлади. Ҳатто масалани банкка келмасдан туриб, интернет орқали ҳал этишингиз ҳам мумкин. Бу эса ишимизга янада унум ва барака бағишлайди.

Яна бир мижоз — “ArtPalitra” масъулияти чекланган жамияти вакили Ҳамро Фатҳуллаевнинг айтишича, “24/7 электрон офис”лар ташкил этилгани аҳоли ҳамда мамлакатимизга ташриф буюрган меҳмонларнинг оғирини енгил қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтганда, банкларимизга жалб этилаётган илғор технологиялар мижозлар билан ишлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, аҳолининг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқаришда айни муддао бўляпти. Молия муассасалари халқ орасига чуқур кириб боришга интилмоқда. Акциядорлик тижорат Халқ банкида йўлга қўйилган инновацион хизматлар замирида худди шу мақсад-муддао мужассамдир.

## МУТЛАҚО БЕПУЛ

Халқ банки томонидан мижозларга барча турдаги замонавий банк хизматлари кўрсатилиб, қатор имтиёзлар жорий этилаётганига қуйидаги лойиҳани мисол сифатида келтириш мумкин. Яъни банкдан янги ҳисоб рақам очган хўжалик юритувчи субъектлар учун “Мобиль-банкинг” ҳамда “Интернет-банкинг” хизматлари мутлақо бепул тақдим этилмоқда.




Энг муҳими, мижозлар ҳисоб рақамидаги маблағларни “Интернет-банкинг” ва “Мобиль-банкинг” хизматлари орқали банк иштирокисиз ўтказиш имконияти яратилди. Ваҳолонки, илгари бу каби амалиётлар банк филиали бош ҳисобчиси тасдиқлаганидан сўнггина бажариларди.




Реклама ўрнида

Дарҳақиқат, Халқ банки томонидан мижозларга тақдим этилаётган хизмат турлари кенгайган, сифати ва тезкорлиги эса ошган. Бу борада фарзандлари билан келадиган мижозларга ҳам шароит яратилган. Мисол учун, бўлимнинг Чилонзор филиали ҳамда Хоразм вилояти амалиёт бўлимида “Оналар ва болалар” хонаси ташкил этилди.

## «ЭЛЕКТРОН ОФИСЛАР» ҚУЛАЙЛИГИ




Энди Халқ банки мижозлари учун ҳисоб рақамидаги маблағларни 24/7-режимида, яъни узлуксиз, ҳатто дам олиш кунларида ҳам ўтказиш имконияти яратилди. Бунда “24/7 электрон офис”лар ташкил қилингани қўл келмоқда.

**Д. МУРОДОВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

# Харосат шамоллари нимадан дарак?




*Кузатган бўлсангиз, кейинги кунларда эсаётган шамоллар шиддати ўзгача. Зумда пайдо бўлиб, дов-дарахтлар шохини тортқилаб-тортқилаб кетаётган бу учқур елларни “харосат шамоллари” дейдилар. У ҳижрий-шамсий тақвимнинг сўнгги ойи — ҳутнинг белгиси.*

Англаган бўлсангиз керак, бугун далв ўз ўрнини ҳутга бўшатиб берди.

Одатда, бу ой икки-уч кун олдин бошланиб, ҳамма ёқни тўс-тўполон қиладиган, баъзида дарахтларни илдизи-ла ағдарадиган харосат шамоллари билан дохил бўлади. Унинг вазифаси қиш уйқусида мудраб ётган борлиқни уйғотишдир.

Ҳут қуёши табиатга қайта ҳаёт бағишлайди. Замин етилади. Халқ мақолида бежиз “Ҳут кирди — ер остига дуд кирди”, дейилмаган-да! Шу онни интиқ кутган бойчечаклар бош кўтариб чиқади. Зумда бу шошқалоқ чечаклар қир-адирларга ажиб тасвирлар битади. Элимизга яна кўклам келганини эслатади. Одамларга “эсонлик-омонлик” тилаб, пойандозлар тўшайди.

Эмишки, бу зайл эврилишлардан Ажуз кампир ғазаб отига минармиш. “Ҳой тўқсон, бир кунимча йўқсан”, дермиш-да, изғиринли, қорли кунларни чақирармиш. Бахтга қарши ҳутнинг сўнгида шу қайсар кампир даври кечаркан. Аслида, унинг муҳлати уч кун. Аммо сакраб келса, саккиз кунга, ўйнаб келса, ўн кунгача чўзилиб кетаркан...

Ажуз кампир қанчалик чиранмасин, ғолиб чиқолмаскан. Унинг тизза баробар ёққан қорлари-да бир кунда эриб битаркан. Илло, аллақачон қантар оғган. Бу паллада қозиқ устида қор турармиди?!

Айтишадики, “Ҳутнинг бир дақиқаси кузнинг ўн кунига тенг”. Шу важдан ой бошланиши билан заминдорнинг ороми йўқолади. Деҳқон экин-тикинга чоғланади, чорва отарга чиқади. Боғбонлар эса мевали дарахтларга шакл бериш, буташга тутинади. Ахир, бу юмуш новдаларда куртак бўртмай тугаллангани маъқул. Йўқса, ҳосилга зиён.

Ҳисобдонлар маслаҳати билан кўмилган анор, анжир ва токлар очилади. Зарур бўлса, қатор ораларига ишлов бериладими. Шу тариқа экин-тикин ишларига киришиб кетилади. Янги мавсум бошланади.

Ҳутнинг хосияти шундаки, бу пайтда табиат дорихонаси ўз дарчасини очади. Айни “илигузилди” чоғида дармондориларга бой неъматларни тортиқ этади. Келинчаклар жилғалар лабида қулоқ кўрсатган ялпиз, жағ-жағ, исмалоқдан кўксомсалар ёпади. Қувватбахш чучваралар тугади. Момоларимиз эса яна кўкламга етказганига шукроналар айта-айта буғдой ундирадилар. Фариштасурат оналаримиз қозонларда сумалак қайнатиб, кексаю ёшга улашади. Жажжи дилбандларимиз эса қанотлари остида қут-барака олиб келаётган эзгулик қушларига пайдар-пай чопиб, мусаффо осмонимиз узра варраклар учиради...

Ахир, ҳадемай, тўқсон чиқади. Бундан буёғи баҳор. Бундай пайтда табиат ороланади. Ундаги ўзгариш, яшариш, янгиланиш инсон қалбига кўчади. Унга завқ-шавқ бағишлайди.

Бу — ҳутнинг синоати, юртимизга одамлар қалбига эзгулик уруғи қадовчи баҳор ташрифининг нишонаси.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

РЕКЛАМА

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.



ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
• 0,4 мм. — 42 600 сўм/п.м. • 0,5 мм. — 50 400 сўм/п.м.
• 0,45 мм. — 45 600 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 70 200 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
• RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 55 200 сўм/п.м.
• RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 62 400 сўм/п.м.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тел.: 95-475-00-65, 95-197-00-93, 99-871-88-99.

104R/295

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 233 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6